

Профилактик дезинфекция ишларини олиб бориш учун тузилган ШАРТНОМА № 38.

Навоий шаҳри

« 10/01 » 2022 й

Навоий вилоят дезинфекция станцияси (кейинги матнларда «Иш бажарувчи» деб юритилади) номидан раҳбар Умаров М.У. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ 59-69 сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳақида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги буйруғи ва қорхона низомига асосланган ҳолда бир томондан ва иккинчи томондан Жум маж. Бақаров Шер-Сал Бундан кейин матнда «Буюртмачи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи раҳабр _____ ушбу шартномани қуйидагилар тугрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Ушбу шартнома бўйича «Иш бажарувчи», «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан объектларда профилактик дезинфекция, дезинсекция ва дератизация ишларини амалга оширишни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва уларга ҳақ тулаш мажбуриятини уз зиммасига олади:

1.2 «Иш бажарувчи» ва «Буюртмачи» учун: (бажариладиган ишнинг номи, микдори, маркаси, артикули)

Гр	Ишларнинг тури	Улчов бирлиги	Физик майдони	Оператив майдон	Нархи	Суммаси
1	Эпедемия ва COVIDни олдини олиш бўйича Дератизация кемурчиларга қарши	м ²	1000x3	3000	134	402000
2	Эпедемия ва COVIDни олдини олиш бўйича Дезинсекция (таракан, бурга, кана)ларга қарши ишлов	м ²	1551x3	4653	558	2596374
3	Эпедемия ва COVIDни олдини олиш бўйича Дезинфекция	м2				
4	Эпедемия ва COVIDни олдини олиш бўйича СТУ	очко				
5	Эпедемия ва COVIDни олдини олиш бўйича СДУ (канализациясиз)	очко				
6	Канотли гуммақларга қарши	жуфт				
ЖАМИ :						2998374

ЖАМИ: Суммаси

Ушбу шартнома тўғрисида муҳридан олдинда қўйилган сумма ушбу шартнома тўғрисида

ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1 «Буюртмачи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1.1 Ушбу шартнома учун маъсул шахсни тайинлаш ва маъсул шахсга ахлат камераларини санитария ҳолати, қорхона ҳудудини тозалаш, объектни текшириш ва ишлов беришда ҳамроҳ бўлиш, ҳамда бажарилган ишлар бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш вазифасини тошшириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПК-3071 сонли қарорини 11 бандига асосан қўшимча қиймат солиғидан озод этилган. Эпедемиялар ва касалликлар тарқалишининг олдини олиш ёки унинг оқибатларини бартараф этиш учун бошқа зарур товарлар (ишлар, хизматлар) шунга асосан марказнинг барча беморлар ётган хоналари, маъмурият хоналари, қорхоналар ҳамда ертўларда дезинфекция ишларини олиб бориш;

2.1.2. Ишлов берилган объектларда барча техника хавфсизлиги қораларига амал қилинишини таъминлаш (қулланиладиган дез. моддага нисбатан) «Иш бажарувчи» нинг талабига асосан дезинфекция тадбирларини утказиш учун объектларни вақтинча ёпиш жадвалини тошшириш;

2.1.3. Биноларни ишлов бериш учун уз вақтида ва сифатли тайёрлаш.

2.1.4. Хурақлар қуйиш учун зарур булган мосламаларни тайёрлаш ёки сотиб олиш (назорат майдончалари, трубкалар, хурақ яшиқлари ва х.к.) «Буюртмачи» ҳудудига уларни йўқолиб кетмаслигини таъминлаш;

2.1.5. Барча хоналарга кириш имконини таъминлаш, уларни ёритиш, электр хавфсизлигини таъминлаш, ертўларни сувдан тозалаш ва қуритиш, зинапояларни туткичларини, полларни таъминлаш ва бошқа техника хавфсизлиги ва муҳофаза қилиш шароитларини таъминлашни;

2.1.6. Дератизация утказувчи шахслар учун ишлашга қулай шароит яратиб бериш учун девор томондан камидан 70 см. Очик жой қолдириш, стеллажнинг пастки томони ердан камида 25 см. Юқори бўлишлиги, тешик ва ковақларни беркитиб ташлаш учун материал ва ишчи кучи билан таъминлашни.

2.2. «Иш бажарувчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.2.1. Профилактик дезинфекция ишларини олиб бориш Ўзбекистон республикаси ССВ томонидан руҳсат этилган дезинфекция моддаларни қўллаш;

2.2.2. Руҳсат этилган ва амалда қўлланиладиган тавсия методик курсатма ва йуриқномаларга асосан ишлаш;

2.2.3. «Буюртмачи»га ишлатилаётган дез.моддалар ҳақида ва эҳтиёт бўлиш чораларини қўриш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

2.2.4. «Буюртмачи»га ҳудудига кемирувчи ва хашоратлар тарқалишига омил буладиган шароит ва сан. Техник камчиликларни йўқотиш йул-йўригини тушунтириш;

2.2.5. «Буюртмачи» нинг объектига кемирувчи ва хашоратларнинг кириб келишининг олдини олиш мақсадида профилактик текширув ва ишлов бериш;

2.2.6. Кемирувчи ва хашоратлар борлиги аниқланган тақдирда уларга қарши жадал кураш ишларини олиб бориш;

2.2.7. Кемирувчилар сонини (дезинфекция ишлари амалга оширилгандан сунг қўлланмага асосан 3 ой муддатда), хашоратлар сонини (камида 6 ой муддат ичида) энг кам микдорга етказиш.